



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХХР ҲУДУДЛАРИ БИЛАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 март куни Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Сиёсий бюроси аъзоси, Шинжон-Уйғур автоном райони Партқўми котиби Ма Синжуй бошчилигидаги ХХР делегацияси билан ўтказган учрашувда Ўзбекистон ҳудудлари ва ШУАР ўртасидаги ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди.



Ўзбекистон ҳудудларида Хитойнинг етакчи компаниялари иштирокида қайта тикланувчи энергетика, транспорт инфраструктурасини ривожлантириш, sanoat парклари ва қишлоқ хўжалиги кластерларини ташкил этиш соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш

масалалари эътибор марказида бўлди. Учрашув аввалида Ма Синжуй ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг саломи ва энг эзгу тилакларини ҳамда Хитой раҳбари лавозимига қайта сайлангани муносабати билан йўланган самимий табриклар учун миннатдорлик билдирди.

Учрашувда 2022 йил сентябрь ойда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган ва Ўзбекистон — Хитой ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларида янги даврни бошлаб берган тарихий самитнинг сермахсул натижалари катта мамнуният билан қайд этилди.

“Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой” темир йўлини қуриш лойиҳасини жалдлаштиришда икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди. Тошкент, Самарқанд ва бошқа вилоятларимизнинг Шинжон-Уйғур автоном райони билан, шу жумладан, савдо,

логистика, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, туризм ва таълим соҳаларида кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш учун кенг имкониятлар мавжудлиги айтилди. Давлатимиз раҳбари ўзаро мулоқот ва алмашинуви фойдалантириш, ташриф ва бизнес форумларини ташкил

этиш, устувор лойиҳа ва дастурларни илгари суриш бўйича алоҳида “йўл харитаси”ни қабул қилиш юзасидан топшириқлар берди.

ЎА

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТЛАР КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 29 март куни мамлакатимиз туризм салоҳиятини ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Туризм ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-маданий аҳамиятга эга кенг қамровли соҳа. У даромадлилиги бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Яна бир муҳим томони, кам харажат билан кўп иш ўринлари яратиш имконини беради. Мамлакатимизда бу соҳа изчил ривожланмоқда. Жумладан, 2022 йилда юртимизга ташриф буюрган хорижий туристлар сони 2021 йилга нисбатан 3 баравар ошган. Соҳа экспорти 1 миллиард 600 миллион долларни ташкил этган. Ички туризм дастурлари доирасида 11 миллиондан зиёд аҳоли саёҳат қилган. Самарқандда янги туризм маркази барпо этилгани натижасида у ерга қўшимча 2 миллион сайёҳ келган.

Аслида, мамлакатимизда бу соҳадаги салоҳият бундан анча юқори. Ўртимизга келмоқчи бўлган сайёҳлар жуда кўп. Лекин уларни қизиқтирадиган жойлар ҳақида контент кам, туристларни 4-5 кун олиб қоладиган дастурлар етишмайди. Самолёт ва поездга билетни бир неча ой олдиндан сотиб олишда ноаниқликлар кўп.

Йиғилишда соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган шу каби муаммолар танқидий таҳлил қилиниб, муҳим чора-тадбирлар белгиланди.

Узоқ хорижликлар учун Ўзбекистоннинг дарвозаси бу — аэропорт. Сўнгги йилларда 5 та янги хусусий авиакомпания ташкил қилинди, авиация паркимиз 44 тага етди. Утган йили Самарқанд аэропорти “бешинчи осмон” режимида ишлашга ўтгани ҳисобига, ҳафталик авиақатновлар сони 46 тадан 78 тага, йўловчи оқими эса 6,5 мингдан 10 мингга кўпайди.

Лекин ички рейслар тақчиллиги ҳафтасига Нукус ва Урганчга 20 тани, Самарқандга 15 тани, Бухоро ва Термизга 11 тани ташкил қилапти. Шу каби темир йўлда ҳафтасига 68 та қўшимча қатновга, 350 та янги вагонга талаб бор. Қорақалпоғистон, Жиззах, Наманган ва Сурхондарёда сайёҳларга автобус етишмайди.

Шу боис, йил якунигача яна 20 та замонавий самолёт олиб келиб, авиақатновларни кўпайтириш бўйича қўрсатма берилди. Жами маҳаллий рейслар сони 2 баравар оширилиб, 100 тага етказилиши, айрим йўналишлар бўйича

авиачипта харажати билан бир қисмига субсидия берилиши айтилди.

Шунингдек, бу йил 8 та электр поезд олиб келинади. Туроператор, меҳмонхона ва ташувчиларга 10 ва ундан ортиқ ўриндиқли автотранспортлар олиб киришда божхона имтиёзлари берилади. Қамчиқ довозида микроавтобус, Жиззах довози, Чимён ва Чорвоқда туристик автобус ва микроавтобуслар қатновига рўқсат берилади.

Туризмда яна бир муҳим омил бу меҳмонхона. Бу борада кенг имконият яратилгани ҳисобига, сўнгги беш йилда меҳмонхона ўринлари 2 баравар ошиб, 60 минггага етган.

Давлатимиз раҳбари хорижий консалтинг компанияларни жалб қилиб, меҳмонхоналардаги шароитларни халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш, улар учун қўшимча кредит ресурслари ажратиш зарурлигини таъкидлади. Йиғилишда туризм дастурларининг мазмунига ҳам эътибор қаратилди. Қайд этилганидек, хорижий сайёҳларнинг Ўзбекистонда бир кун кўпроқ қолиш йиллик туризм экспортини 300 миллион долларга оширади.

Мисол учун, Хоразмга хорижий туристлар Бухоро ва Самарқандга қараганда 2 баравар кам бормоқда. Лекин Хоразмда сайёҳларни 3-4 кун олиб қолиш учун барча имконият мавжуд.

Ёки ўтган йили 31 та туман ва 143 та маҳалла туризмга ихтисослаштирилиб, уларда алоҳида солиқ режими жорий қилинган эди. Бу имтиёزلардан 4 мингга яқин қорхона фойдаланиб, товар айланмаси 1,5 баравар ошган.

Сайёҳларни кўпроқ вақт олиб қолишда етишмаётган нарсаси бу қизиқарли дастурлар ва тарғибот. Шу боис, йиғилишда бу борада қўмақлашишга 11 та олий таълим муассасаси бириктирилди. Улар 31 та туман ва 143 та туризм маҳалласининг тарихи, ёдгорликлари ва диққатга сазовор жойлари ҳақида маълумотлар мажмуини яратади. Улар асосида 12 та тилда туристик пакетлар ишлаб чиқилади. Туризм ва сервис объектлари ишчилари ўқитилади.

Мутасаддиларга меҳмонхона, маданият, табиат, этно ва гастрономик объектларни боғлайдиган туризм кластерлари ташкил этиш, “туристлар

учун меҳмондўст муҳит сертификати”ни жорий қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Ўртимизда туризм дастурлари, асосан, апрель-май ва сентябрь-октябрь ойларига мослашган. Лекин бу мавсумни узайтириш учун етарли имконият бор.

Масалан, қишда Тошкент ва Жиззах вилоятларида чанги, бошқа жойларда ёзда чўмилиш масканларини ташкил этиб, туристик мавсумга яна икки ой қўшиш мумкин. Шунингдек, ёзда 22 та қўриқхона, 24 та миллий табиат боғи ва табиат ёдгорликлари имкониятидан ҳам фойдаланса бўлади.

Шу каби манбалар асосида ёзги ва қишки мавсумларга мўлжалланган лойиҳалар ишлаб чиқиш, туристик мавсум бўлмаган кунларда сайёҳлар учун қизиқарли фестивал ва маданий тадбирларни ташкил қилиш вазифаси қўйилди.

Яна бир масала — мамлакатимизда 8 мингдан зиёд маданий мерос объектлари ва 122 та музей бор. Ёшлар учун адабиёт, тарих, география, тасвирий санъат каби фанларни ушбу масканларда ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги айтиб ўтилди.

Бу йил юртимизда Жаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеясининг йиғилиши ўтказилади. Самарқанд 2023 йилда Жаҳон туризм пойтахти бўлади.

Давлатимиз раҳбари бу йил Ватанимизнинг бой маданияти ва туристик салоҳиятини жаҳонга тарғиб қилиш йили бўлиши кераклигини таъкидлади.

Шу мақсадда маркетинг ва реклама билан сайёҳларни жалб қилиш учун 100 миллиард сўм ажратилиши белгиланди. “Ўзбекистон ташриф қорғози”ни ишлаб чиқиш, туризм брендини янгилаш, халқаро телеканаллар ва интернет платформаларида Ўзбекистон ҳақидаги реклама роликларини кўпайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Умуман, бу йил 7 миллион хорижий ва 15 миллион ички сайёҳларни жалб қилиш, соҳа экспортини 2,5 миллиард долларга етказиш имконияти борлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан вазир ва ҳокимлар, тадбиркорлар ўз фикр ва таклифларини билдирди.

ЎА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АГРАР СЕКТОРНИ ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ РАЎБАТЛАНТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда зарур агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, аграр секторда қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган талабни қондириш, қишлоқ хўжалиги қорхоналарини маънан ва жисмонан эскирган техникалар ўрнига замонавий ва ресурстежамкор техникалар билан таъминлашни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникалари харидини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги янги тартиби 2023 йил 1 апрелдан бошлаб жорий қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 ноябрдаги “Чирчиқ шаҳрида қишлоқ хўжалиги машинасозлик кластерини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-7-сон қарорида назарда тутилган субсидиялар барча маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникаси

ишлаб чиқарувчи қорхоналарга татбиқ этилади;

қишлоқ хўжалиги қорхоналари ва тадбиркорлик субъектлари томонидан ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича хориждан олиб келинадиган барча турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатлари ҳамда уларнинг бутловчи бўюмлари ва эҳтиёт қисмлари, истисно тариқасида, 2025 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) ва утилизация йиғимидан озод қилинади ҳамда тадбиркорлик субъектларига эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимида жойлаштирилган санадан бошлаб қўшилган қиймат солиғини 270 кунгача бўлган муддатга кечиктириб тўлашга рўқсат берилади;

халқаро молия институтлари томонидан лизинг компанияларига ажратилган маблағлар доирасида ўзини ўзи банд қилган шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорларга қишлоқ хўжалиги

техникаси ва агрегатларини лизингга беришга рўқсат этилади;

2. 2023-2024 йилларда қишлоқ хўжалиги техникаси харидини молиялаштириш учун жами 2,6 триллион сўм йўналтирилсин, шундан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 июлдаги ПҚ-335-сон қарорига асосан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш учун тижорат банкларига жойлаштирилган 100 миллион АҚШ долларидан 2022 йилда ўзлаштирилмасдан қолган 670 миллиард сўм (59 миллион АҚШ доллари) миқдоридagi маблағ техника хариди учун 10 фоиз ставкада 10 йилга кредит ажратиш учун;

800 миллиард сўм (70 миллион АҚШ доллари) — халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш учун лизинг ташкилотларига жойлаштириш ҳисобига;

Давоми 2-бетда



БУГУННИНГ ГАПИ

“ХАЛҚЧИЛ IPO”

юз минглаб мулкдорлар пайдо бўлишига хизмат қилади

Президентимиз ўтган ҳафтада давлат мулкни хусусийлаштириш ишларининг ижроси ва бу борада жорий йилги режалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда 40 та йирик қорхона ва банклардаги давлат улуши “халқчил IPO” орқали сотилиши юзасидан топшириқлар берганди. Жумладан, илк бор “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖнинг 2 фоиз акциялари ҳам аҳолига таклиф этилади. Бу оз эмас, кўп эмас, 300 миллион донани ташкил қилади.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АГРАР СЕКТОРНИ ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ РАВБАТЛАНТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

1,1 триллион сўм (100 миллион АҚШ доллари) — халқаро молия институтлари маблаглари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш учун тижорат банкларига жойлаштириш ҳисобиға.

Бунда:

- хизмат кўрсатадиган тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги техникаларига кредит ажратилишида гаров таъминоти сифатида лизингга бериладиган техникалар ва сугурта полиси қабул қилиниши мумкин;
- халқаро молия институтларида жалб қилинган маблаглар ҳисобидан харидорларға қишлоқ хўжалиги техникалари лизинг маржа-си йиллик 3 фоиздан ошмаган ставка-да 10 йилгача бўлган муддатға Қишлоқ хўжалиги вазирлиги буюртмаси асосида лизингға берилади.
- Тижорат банкларига лизинг компаниялари-ға қишлоқ хўжалиги техникаларини етказиб бе-риш учун қарз маблагларини гаров таъминоти сифатида сотиб олинадиган қишлоқ хўжалиги техникасини, кредитнинг бутун даври учун қарз маблагларини қайтармаслик ҳатарларидан 100 фоиз гаров сифатида сугурта полисини ёки учинчи шахсларнинг кафилилигини қабул қи-лиш орқали ажратиш тавсия этилсин.
- Марказий банк Иқтисодиёт ва молия вазир-лиги билан биргаликда ўн кун муддатда тижо-рат банклари томонидан гаров таъминоти сифатида қабул қилинадиган сугурта компа-ниялари томонидан тақдим этиладиган қарз маблагларини қайтармаслик ҳатарларидан сугурта полиси (шартномаси)нинг намунавий шаклини ишлаб чиқиб, амалиётға жорий этсин.
- Иқтисодиёт ва молия вазирлиги икки ой муддатда сугурта бозорини такомиллашти-риш, хавф-хатарларни тўри баҳолаш, айниқ-са, бюджет маблаглари ҳисобидан молиялаш-тириш учун ресурслар ҳисобига кредитларға

нисбатан сугурта операциялари устидан пруденциал назоратни кучайтириш бўйича таклиф киритсин.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Инвес-тициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳар йили 1 октябрга қадар маҳаллий ва жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчиларини жалб қилган ҳолда кейинги йил учун қишлоқ хўжалиги тех-никаларини етказиб беришнинг мақсадли пара-метрларини ишлаб чиқиб, Иқтисодиёт ва молия вазирлигиға тақдим этилишини таъминласин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳар йили тақдим этиладиган қишлоқ хўжалиги тех-никаларини етказиб беришнинг мақсад-ли параметрлари ва етказиб бериладиган қишлоқ хўжалиги техникалари турларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги техникаси-ни лизинг шартларида етказиб беришнинг молиялаштириш манбаларини уларни ажра-тиш давлари кесимида шакллантирсин ҳам-да Жамғармадан маблаглар ажратилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукума-тининг айрим қарорлари иловаға мувофиқ 2023 йил 1 апрелдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун-чилик ҳужжатларига ўшбу қарордан келиб чи-қадиған ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишға масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўқоров, иқ-тисодиёт ва молия вазири Ш.Д.Қудбиев ва қиш-лоқ хўжалиги вазири А.Б.Воитов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини му-вофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекис-тон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 29 март

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ФУНКЦИЯСИ “ЖОНЛИ КОНСТИТУЦИЯ” ТАМОЙИЛИ БИЛАН АМАЛГА ОШАДИ

Конституция ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий асосларини белгилловчи бош ҳужжат сифатида суверен ривожланиши, тараққиёти, жамиятда ҳамжиҳатлик қарор топиши, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг кафолати вазифасини бажаради. Шу маънода айтиш жоизки, конституциявий ислохотлар халқимиз манфаатларини рўёбға чиқариш йўлида янги даврни бошлаб бериш, “инсон — жамият — давлат” тамойили акс этган мақсадларимизни амалга оширишда мустаҳкам ва ўзгармас ҳуқуқий асос бўлиши шубҳасиз.

Бугун дунёда кечаётган мурак-каб, таҳликали вазият узоқ йиллар-дан буён ўзгармай келаётган айрим тенденцияларни жиддий қайта кў-риб чиқишни тақозо этмоқда. Бу жараён Янги Ўзбекистондаги мут-лақо ўзгарган ва инсон манфаат-лари сиёсий майдонға чиққан бир шароитда янада долзарб бўлиб қолди. Аслида ҳам ислохотлар ҳа-миша янги тафаккур, янги мезон ва ўлчамлар, ҳулас, жиддий ижти-моий-сиёсий ўзгаришларни талаб қилади. Бу, ўз навбатида, давлат ва жамият бошқарувига янги тамо-йилларни жорий этишни кун тарти-бига қўяди. Чунки халқимизни узоқ йиллар қийнаб келган, барчамиз бирдек орзу қилган фаровон ҳаёт-ға эришиш учун мустаҳкам қонуний асослар бўлиши керак.

Янги таҳрирдagi Конституция-мизда ана шу тарихий орзу-умид-лар инъикосини топгани алоҳида эътиборлидир.

Шу уринда конституциявий исло-хотлар билан боғлиқ айрим халқаро мезонлар ҳақида тўхталиб ўтсак. Ривожланган давлатлар таъриба-сидан қўринадики, тараққиётнинг муайян тарихий босқичға кириши ҳамда мамлакатда сиёсий ислохот-лар чуқурлашуви натижасида Кон-ституция тегишли қўшимча ва ўзгар-тиришлар билан бойитиб борилади.

Масалан, дунёда энг ўзгармас ҳисобланадиган АҚШ Конституция-сига ҳам 27 марта ўзгариш кир-ритилган. Венгрия 2011 йилда кон-ституциявий ислохот ўтказган. 2018

йилда Хитой Конституциясига ки-ритилган ўзгариш ва қўшимчалар хусусий мулк ва инсон ҳуқуқлари-ни ҳимоя қилишға қаратилган эди. Бундан қўринадики, сўнгги йиллар-да ривожланаётган давлатлар ўз Конституциясини такомиллашти-риш, замонға, ислохотлар руҳига мослаштириш йўлидан бормоқда.

Ҳокимиятлар мувозанати Кон-ституциянинг асосий ва умумқабул қилинган тамойили бўлиб, давлат уч турдаги суверен фаолиятни — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини амалға оширган-да фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркин-ликларини кафолатлашға хизмат қилади. Бу тизим илк бор француз ёзувчиси, файласуф ва ҳуқуқшу-нос Шарль Монтескье томонидан Европа ҳуқуқи асоси сифатида киритилган. Шу жиҳатдан Фран-циядаги 2008 йилги конституция-вий ислохот диққатға сазовор. У ерда ижро ҳокимиятига нисбатан парламент ҳокимияти ролини се-зирлики даражада кучайтиришға эришилган.

Ўзига хос янги оҳанг касб эту-вчи ҳокимиятлар фарқланиши та-мойилининг мустаҳкамлашни мослашувчан механизмлар воси-тасида ҳуқуқ ва эркинликларни янада ишончли ҳимоя қилишға қаратилиб, учта бўғин ўртасидаги ҳамкорлиқни таъминлайди. Бунда, бир томондан, ҳокимиятнинг муай-ян бўғини бошқасининг кўмагисиз фаолият юрита олмайди, иккинчи томондан, уларнинг ҳар бири ҳо-

кимиятнинг бошқа бўғини қарорла-риға қарши тура олиш қобилиятиға эға. Бу эса, ўз навбатида, Консти-туцияни давлат мувозанатини таъ-минловчи ўзига хос сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатға айлантиради.

Янги таҳрирдagi Конституция-мизда “Ўзбекистон Республика-сининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва норма-лари билан бир қаторда Ўзбеки-стон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир”, деган норма мустаҳкамланмоқда.

Шунингдек, унда “Ўзбекистон Республикаси тинчликсевар таш-қи сиёсатни олиб боради”, деган норма белгиланди. Бундай ташқи сиёсат Ўзбекистоннинг бошқа дав-латлар, халқлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан ўзаро ишонч, бир-бириға ёрдам, инсонпарвар-лик, ҳамфикрлик ва ҳамиттифок-ликка асосланган дўстона муноса-батларини назарда тутди.

Ўзбекистоннинг минтақамизда тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳ-камлаш, мамлакатимизнинг халқа-ро майдондаги салоҳиятини кенгай-тириш ва хорижий давлатлар билан кенг қамровли ҳамда ўзаро ман-фаатли алоқаларини ривожланти-риш йўналишлари қонун билан тас-

диқланган Ташқи сиёсий фаолият концепциясида белгиланган.

Давлатимиз ташқи сиёсатининг замонавий руҳини 142 давлат билан дипломатик муносабатлар ўр-натилиб, 32 давлатда элчихона, 17 шаҳарда бош консулхона, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларда дои-ми ваколатхоналаримиз фаолият юритаётганида, шунингдек, мам-лакатимизда 44 хорижий элчихона олиб бораётганида кўришимиз мумкин.

Конституциянинг янги таҳри-ридиagi 23-модда жуда муҳим та-мойилни мустаҳкамлашға хизмат қилади. Унда Ўзбекистон Респу-бликаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқаролари-ни ҳимоя қилиш ва уларға ҳомий-лик кўрсатишни кафолатлаши белгиланган.

Шунингдек, мазкур моддада Ўзбекистон Республикаси фуқа-роси Ўзбекистондан ташқарига мажбурий чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатға бериб юбо-рилиши мумкин эмаслиги, дав-лат хорижда яшаётган ватандош-лар билан алоқаларни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш тўғрисида халқаро ҳуқуқ норма-ларига мувофиқ ғамхўрлик қи-лиши қатъий мустаҳкамланган.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети
халқаро муносабатлар факультети декани, сиёсий фанлар бўйича
фалсафа доктори (PhD),

Улугбек ҲАСАНОВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети кафедра
мудир, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

БИЗ ВАТАНИМИЗ ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ ЭМАСМИЗ!

Хориждаги Ўзбекистон фуқаролари жорий йил 30 апрель кун и бўлиб ўтади-ған Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича референдум хусусида ўз фикрларини билдирмоқда.

Хорижда яшаб, таҳсил олаётган ўзбекистонликлар мамлакатимизда амалға оширилаётган конституциявий ислохотларни қўллаб-қувватлашни таъкидла-моқда. Улар Конституцияға хорижий давлатларда Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишға оид нормаларнинг киритилганини ол-қишлаш баробарида, тўпланган тажрибаларни мамлакатимиз ривожига сидқи-дидан қўшишға тайёр экани ҳақида сўз юритди.

Жасур РАЖАБОВ,
Иқтисодиий ҳамкорлик
ташкilotи (ИХТ) Туризм
департаменти раҳбари,
ҳамюртимиз (Эрон):

— Тарихдан маълумки, ҳар бир давлат эволюцион ривожланишининг муайян босқичларида ўзининг асосий тамойили ва устувор йўналишларини белгилайди. Айни пайтда дунёда жадал кечаётган воқеалар, хусусан, турли куч марказларининг геосиёсий қарама-қар-шилиги, иқлим ўзгариши, озиқ-овқат, энергия ресурсларининг етишмаслиги, пандемия билан боғлиқ таҳдидлар, шу-нингдек, илм-фандаги сўнгги ютуқлар, технология ва ахборот коммуникация-ларнинг ривожланиши биздан мамла-кат, миллат ва халқ сифатида кейинги қадамларимизни белгилашни талаб қилмоқда.

Бундан ташқари, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда иқтисодиёт, инсон ҳу-қуқлари, адолат, сўз ва эътиқод эркин-лиги, ижтимоий ҳимоя, қўшни давлатлар билан ташқи сиёсат ва бошқа соҳаларда қатор изчил ислохотлар амалға оширил-ди. Бу жараёнларни тизимли ва ортға қайтмаслигини таъминлаш учун уларни Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйиш ҳаётий заруратға айланаётир.

Республикаимиз оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган Консти-



туциявий қонун лойиҳаси матни билан танишиб, унда инсон қадр-қимматиға алоҳида эътибор қаратилганиға амин бўлдим. Хусусан, лойиҳанин 20-мод-даси қонун ҳужжатларидаги одамлар ва давлат органларининг ўзаро ҳамкорли-диган келиб чиқадиған барча зиддият-лар ва ноаниқликлар шахс фойдасиға талқин этилишининг аққол тасдиғидир.

Конституцияға киритилаётган ўзгар-тишлар орасида, назаримда, яна бир жиҳат муҳим: атроф-муҳит мусоф-логи, уни муҳофаза қилишға эътибор. Мукаддимада экология, Оролбўйи экологик тизимини муҳофаза қилиш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитға зарарли таъсирларнинг олдини олиш, шахар-созлик соҳасида давлат механизмининг жорий этиш масаласини кўрсатиш жуда долзарбдир.

Юлдуз САФАРОВА,
Шанхай халқаро чет
тиллер университетининг
халқаро алоқалар бўйича
докторанти (Хитой):

— Мен кўп йиллардан бери Хи-тойда таълим олиш мақсадида исти-комат қилиб келаётган бўлсам ҳам, Ўзбекистондаги барча янгилик ва ўз-гаришларни оммавий ахборот воси-талари орқали диққат билан кузатиб бораман.

Чет элда яшаётган ҳар бир ўзбекис-тонлик юртимизда рўй бераётган янги-ликлардан доимо хабардор бўлиши ло-зим, деб ҳисоблайман.

Конституциямизға муайян ўзгари-риш ва қўшимчалар киритиш ҳозирги за-мон талабларидан бири, деб ўйлайман, чунки дунё шиддат билан ўзгариш ва ривожланишда давом этмоқда. Биз ҳам бу жараёндан четда туришимиз мумкин эмас. Жаҳоннинг илгор таърибасиға таяниб, Ўзбекистон халқининг турмуш тарзини юксалтириш мақсадида Асосий қонунимизға тегишли ўзгаришлар киритиш ва уни амалиётға жорий этиш ҳозирги даврнинг муҳим вазифалари-дан бири, деб биламан.



Ҳозирги кунда юртимизда инсон қадри-қимматининг нақадар ортиб бо-раётганини Бош қомусимиз лойиҳаси-дан ҳам билса бўлади. Ёшлар масала-сига кўрсатилаётган эътибор бўйича ҳам худди шундай фикрни билдирish мумкин.

Шу боис, мен 30 апрель кун и ўтқа-зиладиган референдумда фаол қатна-шаман. Фурсатдан фойдаланган ҳолда, Шанхай шаҳридаги ўзбекистонлик ёш-лар ва барча ватандошларни ўшбу му-ҳим сиёсий тadbирда фаол қатнашишға чақираман.

Жамшид СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Хитойдаги вакили:

— Маълумки, юртимизда кечаётган Конституциявий ислохотлар жараё-нда мутахассисларимиз томонидан дунёнинг қатор давлатлари консти-туциялари мукаммал ўрганилгани баро-барида халқимиз вакиллари томони-дан билдирилган таклифлар ҳам чуқур таҳлил қилинди. Уларнинг асосида Асосий қонунимизға қўллаб ўзгари-риш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилди.



Ҳамид ИСМАТУЛЛАЕВ,
Дубайдаги ўзбек диаспораси
фаоли, тadbиркор,
“Worldwide Distribution
Center” компанияси
бош директори (БАА):

— Ўзбекистон Конституциясига ўз-гариш ва қўшимчалар киритилиши тарафдориман. Ишончим комилки, бу ўзгаришлар мамлакатни муваффақият-лар сари етаклайди, фуқароларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қилишға хизмат қи-лади.

Маълумки, Ўзбекистонда сўнг-ги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаёт-ган ислохотлар туфайли катта ўза-ришлар рўй берди.


Бу ислохотлар аҳоли бандлиги билан боғлиқ вазиятнинг яхшиланишиға, иқти-содиётнинг ривожланишиға, Ўзбекис-тоннинг халқаро нуфузи мустаҳкамла-нишиға олиб келди. Ишончим комилки, Конституциямизнинг янгиланиши бу муваффақиятларни давом эттиришға хизмат қилади.

Демократия ва давлатчиликни мус-таҳкамлаш, жумладан, парламент ваколатларини кенгайтириш, давлат



бошқаруви тизимини такомиллашти-ришға доир таклифларни олқишлай-ман. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва фуқаролар эркинликларини, жумла-дан, сўз ва уюшмалар эркинлигини ҳимоя қилишға доир таклифларни қўл-лаб-қувватлайман.

Ўйлайманки, Конституцияға кири-тилган ўшбу ўзгаришлар янада адо-латли, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинадиган жа-миятни барпо этишға хизмат қилади. Бу ўзгаришлар туфайли Ўзбекистон янада обод давлатға айланишиға ишонаман.



Камола СОТВОЛДИЕВА,
Дехли шаҳрида жойлашган “Жомия Миллия Исламия”
университети тadbқиқотчиси (Хиндистон):

— Конституциямизда ёшлар маса-ласи алоҳида боб даражасиға олиб чи-қилаётгани Янги Ўзбекистонда биз, ёш авлод вакиллариға кўрсатилаётган кат-та эътибордан, ёшлар сиёсати устувор даражаға кўтарилаётганидан далолат беради.

Ёшлар ҳуқуқларининг ҳимоя қили-ниши таъминлаш, уларға ўз ҳуқуқлари-ни амалға ошириш учун шарт-шароит-лар яратиш мажбуриятини давлат ўз

зиммасиға олгани бизға ҳаётда ўзимиз-ни тўлақонли намоён этиш, орзу-хавас-ларимизға эришиш, она Ватан тараққи-ятиға муносиб ҳисса қўиш имкониятини тақдим этмоқда.

Мен жорий йил 30 апрель кун и ре-ферендумда иштирок этаман ва барча тенгдошларимни ўшбу жараёнда фаол қатнашишға даъват этаман.

“Дунё” АА

30 АПРЕЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

БУ — МЕНИНГ КОНСТИТУЦИЯМ!

Умиджон ЮНУСОВ,
Жиззах вилояти
Шароф Рашидов тумани
“Қангли” МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси

Инсон қадрини улуғлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотларнинг бош асосини ташкил этади. Бу каби халқчил ўзгаришларнинг янада сермахсул бўлиши ва давомийлигини таъминлаш мақсадида конституциявий ислохотларни бошладик.

Бу ислохот, аввало, “Инсон — жамият — давлат” тамойилини асос қилиб қўйишга қаратилган билан ҳам аҳамиятlidir. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, янги таҳрирдаги Конституциямизда халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат сифатида Ўзбекистон суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани белгилаб қўйилмоқда.

Ушбу конституциявий нормалар замирида мустақиллигимизни асраб-авайлаш ва уни янада мустаҳкамлаш, келажақ авлодларга овоз ва эркин Ватан қолдириш, халқ манфаатлари йўлида кўзланган ислохотлардан ортга қайтмаслик, қонун ва

адолат устуворлиги, инсонга эътибор ва ғамхўрлик каби муҳим қадриятлар мужассам бўлиб, улар давлатчиликнинг тамал тошлари сифатида мустаҳкамланмоқда.

Конституциямизнинг янги таҳририда камбағалликни қисқартириш, бандлиги таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш бўйича давлат ўзига қатор янги мажбуриятлар олмоқда. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мажбурияти сифатида кўрилиб, давлат органлари билан юзага келадиган ноаниқликлар фуқаролар фойдасига талқин қилиниши кераклиги белгиланмоқда. Ушбу қоидалар инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлайди, давлат идоралари фаолиятида масъулиятни оширади.

Янги таҳрирдаги Конституцияда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолати энг илғор халқаро стандартларга мувофиқ кучайтирилган. Хусусан, шахс суд қарорисиз 48 соатдан ортқ мuddат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги, ушлаб туриш қонунийлиги ва асослиги судда иботланмаса, дарҳол озод қилиниши ҳамда шахсни ушлаб туриш чоғида унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари

тушунтирилиши, шунингдек, айбланувчи ва судланувчига ўзига қарши кўрсатма бермаслик, яъни “суқут сақлаш” ҳуқуқи белгиланмоқда. Ушбу нормалар шахсий эркинлик дахлсизлигини ва инсонларни ноқонуний ҳибсга олишга йўл қўймаслиқни кафолатлайди.

Энг муҳими, фуқарога нисбатан унинг қариндошлари судлангани асоси билан ҳуқуқлари чекланиши мумкин эмаслиги қатъий белгиланиши инсон ўз яқинлари йўл қўйган хатолари учун жавоб бермаслигини таъминлайди. Шунингдек, давлат ҳокимияти ўз фаолиятида қонун билан чекланишини, суверен халқ иродасига бўйсунини, шахсининг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминлашини назарда тутувчи ҳуқуқий давлатнинг барча белгилари ўз ифодасини топтомоқда.


Бундан ташқари, узок йиллар юртимизнинг халқаро имижига салбий таъсир қилиб келган мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам берилди. Болаларнинг баркамол ривожланишига салбий таъсир

қиладиган ҳар қандай болалар меҳнати тақиқланиши янги таҳрирдаги Асосий қонунимизда тўғридан-тўғри ёзиб қўйилган ушбу салбий иллатнинг тарихда қолиши учун кафолат бўлади.

“Инсон қадри учун” гоёси негизда Конституцияга киритилган барча ўзгаришлар ҳар бир фуқаро манфаатларига тўла мос келиши билан ҳам аҳамиятли. Ҳеч шубҳасиз, янги таҳрирдаги Конституциямиз қабул қилиниши халқ фаровонлигини янада ошириш, давлат ва фуқаролик жамияти жадал ривожланиши учун мустаҳкам асос бўлади.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ишонч билан “Бу — менинг Конституциям!” дея айта олади. Бунинг учун барча асослар бор.

Шу боис, 30 апрель кунини бўлиб ўтадиган референдумда маҳалламиз аҳли билан ўз овозимизни берамиз ҳамда барча юртдошларимизни ушбу муҳим сиёсий тадбирда фаол иштирок этишга чақириб қоламиз.



2023 йил 30 март, 61-сон



ДОЛЗАРБ МАВЗУ



ЗИЛЗИЛАБАРДОШЛИКДА МУҲАНДИСЛИК МЕЛИОРАЦИЯСИ ВА “ЯШИЛ” ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ?



Баҳодир САЛИЕВ,
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти етакчи илмий ходими, техника фанлари доктори, доцент

Сир эмас, аксарият ҳудудларимизда тупроқ таркиби бузилиб, унумдор ерлар қисқаргани сабабли аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш асосий масалалардан бирига айланмоқда.

Табиат инжиқликлари ва инсон омили билан пайдо бўлаётган глобал ўзгаришлар шаҳар ва қишлоқларга таъсир этмасдан қолмайди. Бунинг яхши ва ёмон томони бор. Масалан, юртимиз йилдан-йилга обод бўлмоқда, қўркамлашиб, яшаш учун қулай шароитлар яратилган. Айниқса, шаҳарсозлик соҳасида бино ва иншоотларнинг, уларнинг энергетика таъминоти, ичимлик сув, йўллар, кўприклар илм-фан ривожланиши ва тараққиётга асослангани қувонарлиқдир.

Лекин халқимизда “Ўз уйингни ўзинг асра”, деган нақл бор. Дунёда юз бераётган зилзила ва табиий офатлар бу огоҳлик ва ҳушёрлик ҳамиша долзарблигидан, айниқса, ҳаётимиз барқарор, тинч ўтиши учун қилнаётган ишларни, бино ва иншоотларнинг пишиқ, пухта қурилишини таъминлаш ниҳоятда зарурлигини далолат беради.

Шаҳар ва қишлоқларда сизот сувларни пасайтириш

Бино-иншоотлар қурилиши илм-фан, технология ва ишлаб чиқаришни ўз ичига олган мураккаб динамик тизимдир. Иморатларни қуришда ер усти архитектурасига эътибор қаратган ҳолда, ер ости қисмида кечадиган жараёнларни ҳам назардан қочирмаслигимиз шарт. Аксарият аҳоли яшайдиган шаҳар ва қишлоқ ҳудудлари суғориладиган ерларга яқин минтақада жойлашган. Бу ерларда каналлар, гидротехника иншоотлари, суғорма деҳқончилик ерларидан сувлар филтратцияси таъсирига учраган ҳудудлар мавжуд.

Ҳозирги вақтда шаҳар дренаж тизимларини қуриш ва улардан фойдаланиш мuddати 35-40 йилни ташкил қилмоқда. Эскирган дренажлар одатдагидан 60-85 фоиз кўп электр энергия сарфлаб, кам қувватда ишлайди, сув чиқариш самарадорлиги пасаяди. Масалан, Қўқон шаҳрида олиб борилган кузатишлар натижасига кўра, сизот сувлар, асосан, чуқур ер ости тоза сувларидан тўйиниб, қатламлар орасидан босими тоза сувлар “Гидрогеологик тешиклар” орқали юқори сизот сувларга оқиб чиқади ва сизот сувлар ер остидаги тоза сув билан тўйинади. Бу жараён тоза сувни яроқсиз ҳолатга келтиради.

Ерлари шўр, зичланган ва сув ўтказмайдиган қатламнинг ер сатҳига яқин жойлашгани сабабли Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида 2016-2019 йилларда мелiorатив чора-тадбирлар амалга оширилди. “Дўстлик” каналининг шаҳар ҳудудидан ўтадиган 5 километр узунлигидаги участкаси бетонлаштирилди. Тик дренажлар сони икки баробар кўлайди, сув таъминоти ва канализация коммунал-кациялари қайта қурилди. Лекин бу ишлар самарадорлигини илмий жиҳатдан баҳолаш ҳалигача амалга оширилмади. Шаҳар атрофида қурилаётган янги массивларда сизот сувлар сатҳи яқинлигидан зах босиш жараёни сезилиб, қурилиш ишлари кечикишига, харажатлар эса ортиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шу боис, коллектор дренаж тармоқларини янги тизим асосида махсус хизмат ҳамда давлат-хусусий шериклик тамойилларини қўллаган ҳолда эксплуатация қилиш тартиби ишлаб чиқиши лозим.

Сейсмологлар ҳулосасига кўра, Тошкентда 1966 йил 26 апрелда содир бўлган зилзила сейсмик тўлқинлари

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида бутун дунёда кузатилаётгани каби мамлакатимизда ҳам жиддий экологик муаммолар пайдо бўлаётганини алоҳида таъкидлаб, бу вазиятга қарши жиддий чоралар кўриш борасида айтиб ўтди.

тебраниш жадаллиги сизот сувларнинг сатҳи 10 метрдан кам бўлган Анҳор, Жангоба, Чаули каналларига яқин ҳудудларда уй ва бинолар бузилиши кўп бўлгани ҳамда сизот сувларнинг сатҳи 6 метргача бўлган ҳудудларда сейсмик тебраниш кучи қўшимча 1-1,5 балл юқори бўлгани кузатишган.

Шу билан бирга, 1976 йили Газида содир бўлган зилзила кучи 7-7,5 баллни ташкил этиб, бу ерда ҳам ер ости сувлари 2 метргача тупроқ грунтлардан ер қимирлаши кучи 20-30 фоизга кучли бўлган.

Зах ва шўр ерларда намлик ва туз ҳаракати бино-иншоотларнинг мустаҳкамлигига таъсир ўтказишини ҳисобга олиб, қарийб 70 фоиз эскирган сув иншоотларини қайта тиклаш каби стратегик тадқиқотларни амалга ошириш бугунги кун талабидир. Ҳозирги вақтда турли ҳудудларда, жумладан, Сирдарё вилоятининг айрим туманларида сизот сув сатҳи кўтарилиши, Фарғона вилоятининг айрим қишлоқларида ботқоқланиш ҳолатлари юз бераётгани бунга мисол бўла олади. Суғориладиган минтақаларда жойлашган барча экин майдонлари ва аҳоли яшайдиган ҳудудлардаги ерлар зах босиб, сизот сувлар ости кўтарилимоқда. Бундай вазиятда муҳандислик ҳимоялаш тизимларини мукамаллаштириш, лойиҳалаш сифатини ошириш, янги



иншоот ва дренаж конструкцияларини, самарали технологияларни қўллаш каби табиий ва антропоген омилиларни ўрнини ҳамда бино ва иншоотларни заҳла-нишдан муҳофаза қилиш, олдини олиш чора-тадбирларининг ҳудудий ва локал тамойилларини ишлаб чиқиш зарурати сезилмоқда.

Шаҳарсозлик ва қишлоқ қурилишида зах босишнинг олдини олиш ва дренажлаш

Мамлакатимиз ҳудудлари бўйича ўтказилган тадқиқотларимиз натижасига кўра, 132 дан ортиқ шаҳар ва аҳоли пункти, тарихий-маданий объектларнинг 7322 тадан 2030 таси, яъни 28 фоиз зах босишнинг негатив таъсирига учраган. Қўқон, Фарғона, Риштон, Гулистон ва бошқа шаҳарларда тик дренаж қудуқлари қурилиб, сизот сувлар сатҳини пасайтиришга эришилди. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида республикамиз бўйича 546 миллион метр куб шаҳар дренаж сувларидан ҳозирги вақтдаги юз бераётган қурғоқчиликда 68,2 минг гектар экин майдонларини суғориш ишларини амалга ошириш мумкинлиги тавсия қилинди. Лекин шаҳарларда ичимлик ҳамда суғориш сув таъминоти илгор замонавий технологияларнинг янги услублари ва усуллари-ни ишлаб чиқиш, дренаж сувларидан қурғоқчилик мавсумида техник мақсадларда фойдаланиш масаласи ечимини кутаётган муаммолардан биридир.

Муҳандислик ҳимоялаш тизимларини биологик дренажлаш тизимига алмаштириш, шаҳар мелiorатив ҳолатидан келиб чиққан ҳолда табиий, сув ҳўжали ва гидрогеологик шароитни баҳолашга асосланиб, янги русумдаги дренаж конструкциялари яратишни ташкил этиш лозим. Чунки



Ғиёсжон РАҲИМОВ,
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти бош илмий ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

республикада қурилган ва қуриладиган ҳар бир бинонинг иншоот муҳофазаси учун юқоридаги чора-тадбирлардан янада кўпроқ фойдаланилади.

Шаҳар объектлари ва уларнинг инфратузилмасини ер ости сувлари сатҳи кўтарилишдан ҳимоя қилиш муҳим ва устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Шаҳарлардаги мавжуд “Коммундренаж” ташкилотларининг техник таъминотини яхшилаш ва фаолият самарадорлигини ошириш учун уларни босқичма-босқич ахборот технологиялари тизимига ўтказиш билан бирга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб



чиқиш талаб этилади. Чунки шаҳар дренажларидан фойдаланиш вазифалари суғориладиган ерларни дренажлаштиришдан кескин фарқ қилади.

Таъкидлаш лозимки, бундан 50 йил аввал қабул қилинган дренажлаш фонида шўрланишга қарши курашиш стратегияси нотўғрилиги сабабли ер ости геологик қатламдаги тузлар 130-140 миллион тонна миқдоридан ер юзасига чиқиб, ерларнинг ўрта ва кучли шўрланишига сабаб бўлган. Оқибатда экинлар ҳосилдорлиги пасайиб, суғориш ва ичимлик сув сифати ёмонлашган. Халқаро сув ресурсларини бошқариш институти суғориш зонасидаги ерлар шўрланиши критик 30 фоиздан ошмаслигини тавсия этади.



Мамлакатимиз тупроқ иқлим шароитида сизот сувлар кўтарилиши сабаблари, шунингдек, иқлимда шўрланиш ва бошқа антропоген омилиларнинг зах босиш жараёнига таъсири шаклланишига катта эътибор қаратилган. Заҳланиш ва шўрланишнинг олдини олиш

бўйича кўплаб минтақавий тадқиқотлар ва изланишлар олиб борилган. Ўшбу йўналишда шаҳар инфраструктурасини эътиборга олган ҳолда, зах босган жойларни харита бўйича аниқлаш ишлари катта маблаг ва вақт талаб қилади. Илмий асосланган манбалардан маълумки, заҳланган ерларда тупроқ грунт намлиги ошгани сабабли бино ва иншоотлар зилзилабардошлиги камаяди.

Зах босган ва юмшоқ грунтларда қуриладиган бино-иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш даврида хизмат кўрсатиш мuddатини узайтириш, зилзилабардошлигини таъминлаш бўйича технологик усуллари ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ривожланган давлатларда тўғон ва сув омборлари маълумотлари, гидрологик ахборот, дала назорат, зилзилаларни кузатиш, хавфсизлиқни баҳолаш тизимларидан иборат тўғонлар хавфсизлигини самарали бошқариш механизми ишлаб чиқилган.

Зилзилабардошлик ва “яшил” тараққиёт

Сизот сувлар яқин, зах босган ҳудудларда “Яшил макон” тизимини яратиш ҳозирги вақтда энг долзарб ишлардан биридир. Биринчи навбатда, сизот сувлар яқин ерларнинг шўрланганлик даражасини пасайтиришга мойил дарахтларни ўстириш, махсус “Биодренаж” усуллари қўллаш лозим.

Президентимиз “Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик — 2030” иккинчи халқаро саммитидаги нутқида бугунги кунда она табиятнинг ўзи бизга огоҳлик қўнғиргои йўллаётганини, биз эса бунга беларво бўлмаслигимизни таъкидлади. Марказий Осиёда сунгги 30 йилда ўртача йиллик ҳарорат тахминан 1 даражага қурилган. Республикамизда “Яшил иқтисодий тикланиш” дастурини амалга ошириш учун ҳамма ҳудудларда ҳаракатларимиз янада фаол ва самарали бўлиши лозим.

Мамлакатимизда аҳоли пунктларини қўламазорлаштириш, яшил майдонларни кенгайтириш ишларига давлат сисёти даражасида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошланди. Мазкур лойиҳа доирасида ҳар йили 200 миллион туп, келгуси беш йилда 1 миллиард туп дарахт ва бута кўчатларини экиш мақсад қилиб қўйилган.

Бунга кўра, ҳозирги босқичда шаҳар ҳудудларини ландшафт чегаралари ичидаги агромелиоратив тупроқ ва грунтлар хусусиятларини янада тўлиқ акс эттирадиган сонли моделларни яратиш орқали ўшбу масалалар ечимини кенгайтирилган ҳолда ҳал қилиш мумкин.

Табиий иқлим шароитининг ўзгариши билан грунт сувлари ва тупроқ намлиги камайиши қонуниятларини аниқлаш, техноген омилиларни ҳисобга олиш, шаҳар ва қишлоқ қурилиши шароитида мўътадил “Яшил макон” ҳудудлар тизимини барпо этиш муҳим вазифалардан саналади. Бундай ҳудудларни танлашда ернинг мелiorатив ва гидрогеологик шароитини ўрганиш, биологик хилма-хилликни ривожлантириш, уларга мос агротехнологияларни ишлаб чиқиш, дренажлардан қийиб юборилаётган сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, энергетикажамор зах қочириш усуллари қўллаш шўрлар жумласидан. Илмий тадқиқотлар олдида қўйиладиган асосий мақсад шаҳарлар ва аҳоли пунктларидаги заҳланган ҳудудлар мелiorацияси ва яшил маконларни барпо қилиш муаммоларини ҳал этишга қаратилган услублар, моделлаштириш ва қурилиш технологияларини такомиллаштириш,



заҳланишнинг олдини олувчи тадбирларни амалга ошириш, янги дренаж конструкцияларини яратиш ва қўллашдан иборат.

Сизот сувлар сатҳи ҳамда шўрланганлик даражасини пасайтиришда илдориз баҳрлардан булгантириш вазифасини

бажарувчи дарахтлардан апрель ойидан бошлаб октябрь ойигача бўлган вақтда бир дарахт ҳисобига тоғ — 91,4, терак — 82,9, туп — 65,8, ўрик — 32,9, жида — 24 метр куб сувни булгантириш хусусиятига эга экани ҳамда илдири бақувват, бағрларни йирик ва кўп бўлган дарахтларда сизот ва шўрланган сувларни булгантириш кўпроқ бўлиши аниқланган. 100 туп тоғ дарахти 91,9 минг метр куб сувни, 1000 тупи 919 минг метр куб, шунингдек, 100 туп терак дарахти 82,9 минг метр куб, 1000 тупи эса апрель ойидан то октябрь ойигача 829 минг метр куб сувни булгантириб, сизот сувлар сатҳини пасайтириш имкониятига эга экан. Шу сабабли барча ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитига мос дарахтларни танлаб экиш, ўсиб ривожланиши бўйича баҳариладиган комплекс агротехнологияларни баҳариш, уларнинг иқтисодий самарадорлигини ва фойдали иш коэффициентини ошириш масалаларини ишлаб чиқиш лозим. Ҳозирги вақтда кўплаб ҳудудларда “Яшил макон” тизимини яратишда айнан юқорида келтирилган қоидаларга риоя қилмаслик натижасида дарахтлар қуриб қоляпти.

Қандай чора-тадбирлар амалга оширилиши керак?

Туркиядаги зилзила ортидан Сурия, Ливан, Йордания, Исроил, Грузия, Арманистон каби давлатларда ҳам ер силкиниши қайд этилди. Евро-Ўрта Ер денгизи сейсмология маркази маълумотларига кўра, Греция, Кипр, Ироқ ва Мисрда ҳам силкинишлар кузатилмақда. Янги Зеландияда 6,9 балл ер қимирлаши қайд этилган. Тожикистонда 5-6 баллдан юқори ер қимирлаши содир бўлиб, унинг тебраниши Самарқанд, Жиззах, Тошкент ва водий вилоятларида ҳам сезилган. Бу ҳолат ҳозиргача давом этмоқда. Ўзбекистон 2030 йилга қадар мўлжалланган Сендай ҳадли дастурининг асосий мақсадларига эришиш бўйича глобал платформа фаолиятини янада кучайтириш тарафдори эканини билдирди. Фавқулодда ҳолатлар бўлиши сабабларини чуқур ўрганиш ва офат оқибатларини самарали баргараф этиш мақсадида Президентимиз Қўшилмаслик ҳаракатининг махсус мониторинг асосида илмий тадқиқот тармоғини ташкил этишни таклиф қилди.

Ҳозир дунё миқёсидаги табиий офат ва зилзила оқибатлари барчамизга, жумладан, соҳа мутахассислари қатори биз, олимларга ҳам етарли даражада ҳаётини мисол бўлиб, бундай ҳолатлар рўй бермаслиги учун илмий асосланган чора-тадбирларни, талабларни баҳаришни тақозо этади.

Мамлакатимизда бу борадаги чора-тадбирларни баҳаришга қаратилган энг асосий керакли талаблардан бири 40-50 йил олдин қурилган, қурилаётган бино, иншоотларнинг табиий офат ва

зилзилага чидамлилигини кафолатлаб, юртдошларимиз турмуш тарзини доимий равишда барқарор, тинч ва осойишта ўтишини таъминлашдан иборат.

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти Марказий Осиёда дренаж қурилишлари, сув муаммолари, суғорма деҳқончилик, мелiorация ва тупроқлар заҳлаши, шўрланиши каби бир қатор масалаларни ўрганиб, бугунги глобал тупроқ иқлим-шароитларида қурғоқчиликнинг олдини олиш чора-тадбирлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борадиган ягона илмий-тадқиқот маскани ҳисобланади. Бугунги кунда институтда баҳарилаётган иш режаси қаторида қурилган ва қурилаётган бино ва иншоотлар заминлари грунтларини ҳолатини текшириш, лойиҳаланадиган ҳамда мавжуд бино ва гидротехника иншоотининг йирик миқёсдаги моделида тадқиқотлар ўтказиш, зах босган ва шўрланган грунтларда иморатлар қурилиши, ишончли қурилиш материалларидан фойдаланиш каби масалалар жой олган. Ер ости сувлари минерализацияси ортиб кетиши натижасида паст маркази тайёрланган бетон емирилиб кетиши сабабларини чуқур кимёвий таҳлил қилиш каби илмий тадқиқот ишларини баҳариш мумкин. Бундай замонавий илгор техника, технологиялар, асбоб-ускуналар билан институт базасини мустаҳкамлаб, илмий тадқиқот ишларини янада сифатли баҳариш баробарида, малакали, халқаро йўналишда, жумладан, Халқаро қишлоқ хўжалиги университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислиги институти миллий тадқиқот университети ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси Сейсмология институти олим ва мутахассислари билан биргаликда ишлашга кўл келади.

Институтга ҳориждан замонавий А-1220 маркали, ультратовушли дефетоскоп аппарати олиб келиниб, унинг ёрдамида бетон қопламалари, каналлар, бино-иншоотлар заминининг техник ҳолатини контактсиз аниқлаш мумкин. Бундай замонавий илгор техника, технологиялар, асбоб-ускуналарни олиб келиб, юқорида келтирилган илмий тадқиқот ишларининг янада сифатли баҳарилишини таъминлаш учун институт базасини мустаҳкамлаб, юқори малакали, халқаро йўналишда



Янги Ўзбекистонимизда одамлар онгини, тафаккурини, ҳаёт тарзини яхши томонга тубдан ўзгартириш XXI асрнинг ўта таҳликали пандемияга қарши курашиш билан бир қаторда, иқлим ўзгариши, табиий офатлар, техноген ва зилзила фожиалари қўлами кенгайиб, бутун бир минтақанинг хавфсизлиги ва барқарор тараққиёти учун жиддий хавф солаётган бир вақтга тўғри келмоқда. Шу маънода, Салим Дониёровнинг “Янги Ўзбекистон” газетасида эълон қилинган “Қўруқсиз жамият куч-қудрати эркин сўз ва озод гўялар билан шаклланади” (2023 йил 28 февраль, 40-сон) сарлавхали мақоласида одамлар онгиди ва жамиятда ҳаётга нисбатан ишонсизлик кучайиб, тараққиётта катта гўв бўладиган руҳий тушқунлик кайфиятини юзага келтирмаслиги учун “Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал” тамойилларини ҳамиша бардавом ва мазмунли бўлишига ҳаракат қилиш ҳамда уларни амалга ошириш ҳар биримизнинг чинакам инсоний ва виждоний бурчимиз экани таъкидланган.

Ҳозир дунё миқёсидаги табиий офат ва зилзила оқибатлари барчамизга, жумладан, соҳа мутахассислари қатори биз, олимларга ҳам етарли даражада ҳаётини мисол бўлиб, бундай ҳолатлар рўй бермаслиги учун илмий асосланган чора-тадбирларни, талабларни баҳаришни тақозо этади.

Мамлакатимизда бу борадаги чора-тадбирларни баҳаришга қаратилган энг асосий керакли талаблардан бири 40-50 йил олдин қурилган, қурилаётган бино, иншоотларнинг табиий офат ва

иш олиб борадиган олим ва мутахассисларни бириктириб иш олиб бориш имкониятлари мавжуд.

Шу асосда биринчи навбатдаги вазифалардан бири бўлган 40-45 йил олдин қурилган 5-7 ва 9 қаватли бино-иншоотлар мустаҳкамлигини аниқлаб, уларга хавфсизлик декларатив паспорти жорий этиш мумкин бўлади. Шу билан бирга, статистик қўламабар таъсирида оқувчанлик хусусиятига эга грунтлар устига қурилган бино ва иншоотлар хавфсизлигини баҳолаш, уларнинг ҳолатини аниқ ифодаловчи меъёрий ҳужжатлар ва ҳулосалар ишлаб чиқилади.

Ўшбу ишларни сифатли амалга ошириш учун институтда Бино ва иншоотлар муҳандислик муҳофазаси лабораториясини ҳамда зах босган ҳудудларда сизот сувлар яқин ерлар шўрланганлик даражасини пасайтиришга мос дарахтларни ўстиришда “Биодренаж” усулининг илмий асосланган тизимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, танланган дарахтларни экиш, ўсиб ривожланиши учун баҳариладиган барча комплекс агротехнологияларни ишлаб чиқиш, экиладиган дарахтларни ҳозирги сув тақчиллигига мос равишда танлаб, уларни кўпайтиришда “Яшил макон тизими” лабораториясини ташкил этиш ҳам бугунги кун талабидир.

Юқорида келтирилган илмий-амалий ишларни баҳариш Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 2 март куни Боку шаҳрида бўлиб ўтган Қўшилмаслик ҳаракати Мўлоқот гуруҳи саммитида илгари сурган таклиф ва ташаббуслари билан ҳамохан бўлар эди.

Атроф-муҳит мусоффолиги, экологик барқарорлик инсон саломатлиги, фаровон ҳаётига бевосита боғлиқ. Президентимиз ташаббуси билан бугун оммавий ҳаракатга айланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга ошириладиган ишлар айнан шу мақсадга қаратилган.

Навоий тажрибаси оммалаштирилади



Бу борада Навоий вилоятида амалга оширилаётган ишлар ҳам салмоқли ва эътирофга лойиқ. Айни баҳор фаслида ҳар бир маҳалла, кўча ва хонадонда манзарали ёки мевали дарактлар ўтқазилаётганига гувоҳ бўласиз. Қолаверса, давлатимиз раҳбари 2022 йил 25 ноябрдаги ташрифи чоғида вилоятни мамлакатимизнинг намунавий ҳудудига айлантириш бўйича янги ташаббусларни илгари суриб, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда “Навоий тажрибаси”ни жорий этишга доир топшириқ берган эди. Мазкур ташаббус икросини таъминлаш мақсадида айни вақтда “йўл харитаси” ишлаб чиқилган ва унга асосан, вилоятда кўчат ўтқазиш бўйича аниқ манзилли дастурлар ҳаётта татбиқ этилмоқда. Жумладан, барча шаҳар ва туманларда 5 гектардан кам бўлмаган ҳудудлар аниқланиб, экила-



ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА ВИЛОЯТДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИ АТРОФИДАГИ 30 ГЕКТАР ЕРГА 45 МИНГ ТУП КЎЧАТ ЭКИШ ОРҚАЛИ “ЯШИЛ ҚАЛҚОН”ЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛЯПТИ. МАВСУМ ДАВОМИДА УШБУ ХАЙРЛИ ИШГА ВИЛОЯТ БЎЙИЧА 250 МИНГ КИШИ ЖАЛБ ҚИЛИНАДИ.

диган ниҳоллар учун ер тайёрлаш, суғориш тизимини йўлга қўйиш, ерни маҳаллий ўғитлар билан бойитиш чоралари қўрилди. Вилоятда жорий баҳор мавсумида жами 8 миллион 816 минг туپ кўчат экиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирга қадар 8 миллионга яқин ниҳол қадалди ва маълумотлар электрон платформага киритилди. Биргина вилоят марказида экологик муҳит мусоффолигини таъминлаш мақсадида 330 минг туپ даракт экилиши кўзда тутилган. Навоий шаҳри ободонлаштириш бошқармаси томонидан лойиҳа доирасида ташкил этилган акцияга 400 нафарга яқин ходим, 10 дан ортиқ махсус техника жалб этилди. Экилган кўчат турлари эса ҳудуднинг иқлим шароитига мос бўлиб, сувсизлик ва касалликларга чидамлидир. Ушбу хайрли ташаббусда ёши, меҳнат фаолияти, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, барча фаол иштирок этмоқда. — Ҳозир вилоятимизда 9 миллиондан зиёд кўчат захираси яратилган ва уларнинг яроқлилигини агрономлар ўрганиб, экиш бўйича зарур тавсиялар бермоқда. Бошқарманимиз ходимлари майдонларга чиқиб, жойлашув, дарактлар тури, қайси ташкилот томонидан экилгани, масъули каби барча маълумотларни электрон платформага киритиб бермоқда, — дейди Табиат ресурслари вазирлиғи Навоий вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи Фурқат Қодиров. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси вилоятнинг шаҳар ва туманлари, олис манзилларида ҳам жадаллик билан олиб боришмоқда. Биргина Қизилтепа туманида 2022 йилнинг кузги ва жорий йилнинг баҳорги мавсумида 2 миллионга яқин даракт кўчати ўтказилди, 90 гектардан ортиқ майдон боққа айлантилди. Лойиҳа доирасидаги тадбир давомида 3000 туپ павловния, 7000 туپ айлан ва катальпа ниҳоли қадалди. Туманининг Малиқобод маҳалласидаги 50 гектар ерда эса “Уч авлод боғи” ташкил этилиб, 70 мингдан ортиқ кўчат парваришланмоқда. Малиққўл қишлоғида ташкил этилган 10 гектарли “Ҳокимлик боғи”да 10 турдаги 50 мингдан ортиқ даракт мавжуд. Эътиборли жиҳати, янги дарактларни озиклантиришда томчилатиб суғориш технологиясидан самарали фойдаланишмоқда. Қармана туманида ҳам яшил ҳудудларни кўпайтириш жараёнида қўшма бериш учун 35 нафар тажрибали агроном бириктирилган. Улар фуқароларга даракт экиш, суғориш, парваришлашга оид маслаҳат ва тавсия бермоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

билан ажралиб туради. Шунингдек, узумчилик аҳоли бандлиги, даромад манбаига ҳам айланган. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 10 февралдаги “2023-2024 йилларда Навоий вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарорига асосан, мавжуд узумзорлардан самарали фойдаланиш ҳамда янги тоқзорлар ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. 2023-2024 йиллар давомида Хатирчи туманида мавжуд 3 минг гектар йиллов ерни ўзлаштириш ва унинг негизида мева-сабзавот, узум маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш, экспорт қилишга йўналтирилган кластерлар ташкил этиш режалаштирилган. — Ҳозир бизга йиллов ердан 21 гектар ажратиб берилган ва босқичма-босқич ўзлаштириб, тоқ кўчатлари экяпмиз. Етти кишини иш билан таъминладик. Кўчат парваришлаш учун суғориш тизими ва бошқа имкониятлар яратилмоқда. Келгусида бу йилловлар ўрнини катта тоқзорлар эгаллайди, — дейди тадбиркор Шавкат Ғиёсов. 2023 йил якунига қадар тумандаги 200 гектар ерда кооперация усулида узум плантациялари ташкил этилади. Суғориш тизимини яхшилаш учун тик қудуқлар қазилиб, тежамкор технологиялар жорий этиш ишлари бошлаб юборилди. Шунингдек, ердан унумли фойдаланиш мақсадида қатор ораларига сабзавот экиш режалаштирилган. Ҳозир 10 гектар лагми йиллов ерга узумнинг гигант, ризамат каби серхосил навлари экилди. Лойиҳа доирасида вилоятда фаолият юритаётган йирик саноат корхоналари атрофидаги 30 гектар ерга 45 минг туپ кўчат экиш орқали “яшил қалқон”лар ташкил этиляпти. Мавсум давомида ушбу хайрли ишга вилоят бўйича 250 минг киши жалб қилинади. Ҳозирга қадар кўчат экиш учун 193 километр янги ариқ, 11 донга сув чиқариш қудуғи қазилди ва 15 километр масофада суғориш тизимлари ташкил этилмоқда. Мухтасар айтганда, бугунги кунда вилоятда экотизим барқарорлигини таъминлашга муносиб хисса қўиши қайси ҳудудда истиқомат қилишидан қатъи назар, барча навоийликлар учун муштарак мақсадга айланди.



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

УМУМЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ЯНГИ МОДЕЛЬ ЁХУД ТИББИЙ-ИЖТИМОИЙ ЭКСПЕРТИЗА ХИЗМАТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ОДИМЛАР

Даврон СУЛТОНОВ, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси бошлиғи

Мамлакатимизда “Инсон қадри учун” ғояси тобора мустаҳкам қарор топиб, барча саъй-ҳаракатлар фуқароларни ортиқча оворагарчилик ва бюрократик тўсиқлардан халос этишга йўналтирилмоқда. Жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўлақонли ҳаёт кечириши, ҳақ-ҳуқуқларидан фойдаланиши, салоҳиятини рўёбга чиқариши учун имкониятларни кенгайтириш, уларни реабилитация қилишда инклюзив жамият қуришнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 27 ноябрдаги “Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати фаолияти ҳамда болаларга ногиронлиқни белгилаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ногиронлиқни белгилаш жараёнини тўлиқ қамраб олувчи ягона тизимни йўлга қўйиш, шаффоф, замонвий услуб ва мезонларни амалиётга жорий этиш каби масалаларни кун тартибига қўйди. Мазкур қарор билан тиббий-меҳнат экспертиза хизмати тизими негизда ягона тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати ташкил этилди. Ун сақиз ёшгача бўлган болаларга ногиронлиқ белгилашда мутлақо янги босқичга ўтилди, яъни ушбу тоифага ногиронлиқни белгилаш янги ташкил этилган Педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан амалга оширилмайдиган бўлди. Ногиронлиги бор бола деб топилганларга ногиронлик гуруҳи белгиланмасдан, “ногиронлиги бўлган бола” мақоми берилиб, ижтимоий ҳимояга олинмоқда. Шу билан чекланмай, аҳолининг мушкуллини осон қилишган қаратилган ишлар тизими ва изчил давом эттирилди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг ўтган йили 17 февралдаги “Ногиронлиги бўлган шахслари ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида қўра, 2022 йилнинг 1 апрелидан бошлаб ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига ҳар ойда 500 минг сўм миқдоридида нафақа тўлови жорий этилди. Шу аснода 34 та касаллик киритилган рўйхат тасдиқлаб берилди. Инсонпарварликка йўғрилган мазкур саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми сифатида тиббий-ижтимоий

“Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизими 2023 йил 1 январдан бошлаб юртимизнинг барча ҳудудидида тўлиқ амалиётга жорий этилди. Ногиронлиқни белгилашга асос бўладиган тиббий ҳужжатлар электрон тарзда тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларига юборилиши йўлга қўйилди. Ҳозир соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан фуқароларга ногиронлиқни белгилаш учун асос ҳисобланадиган (тиббий йўлنامа, касаллик тарихи, амбулатор картадан кўчирмалар ва бошқа) маълумотлар ногиронлиқни белгилаш мақсадида электрон тарзда тиббий ижтимоий эксперт комиссиясига юборилмоқда. Бу жараёнда ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган ҳамда нохуш клиник прогнозга эга касалликка чалинган шахсларни клиник-функционал маълумотларни олишга доир қўшимча текширувдан ўтказмасдан туриб,



2023-2027 йИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОГИРОНЛИКНИ БЕЛГИЛАШНИНГ ИЖТИМОИЙ МОДЕЛИГА ЎТИШ БЎЙИЧА КОНЦЕПЦИЯСИ ЛОЙИХАСИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ БМТНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ, ЖАҲОН БАНКИ, ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САКЛАШ ТАШКИЛОТИ ВА ЮНИСЕФНИНГ ТЕГИШЛИ МУТАХАССИСЛАРИ ИШТИРОКИДА БИР НЕЧА МАРОТАБА МУҲОКАМА ЭТИЛИБ, УЛАР ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ТАВСИЯЛАР ҲАМ ИНОБАТГА ОЛИНГАН.

экспертиза хизматини рақамлаштириш, экспертиза жараёнини шаффофлаштириш, соҳага инсон омили аралашувини камайтириш орқали бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш бўйича ҳам зарур ишлар бажаришмоқда. Биринчидан, ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларида ҳисобга олиш ва қўриқдан ўтказишнинг янги — “Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизимини жорий қилиш, 2022 йил 1 августдан бошлаб Тошкент шаҳрида апробациядан ўтказиб, 2023 йил январдан юртимизнинг барча ҳудудидида амалиётга киритиш белгиланган эди. Бу борада мамлакатимиздаги барча даволаш-профилактика муассасалари врачлик-маслаҳат комиссиялари врачлари ва IT ҳамширалари инспекция ва дастурларни томонидан махсус ўқитилди. Уларга логин ва пароллар берилди.

фуқаронинг иштирокисиз, ногиронлик муддатсиз даврга белгиланмоқда. Қўриқ натижасида ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома QR-код билан тасдиқланиб, ахборот тизими орқали шакллантириляпти. Иккинчидан, ҳозир ногиронлиқни белгилашда даволаш-профилактика муассасаларининг йўлнамаси, касаллик тарихидан кўчирма, амбулатор карта, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ҳамда меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса ёки соғлиқнинг бошқача тарзда шикастлангани тўғрисидаги ҳужжатлар тўлиқ ахборот тизими орқали қабул қилинмоқда. Ахборот тизимидаги фуқарога тегишли маълумотлардан келиб чиқиб, ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсон бўлган, шунингдек, нохуш клиник прогнозга эга касалликлар ва асоратларда ногиронлик фуқаролар-

моделига босқичма-босқич ўтиш зарурати пайдо бўлди. Маълумот учун айтиш керак, ижтимоий моделда шахснинг касаллиги билан бирга жамият ҳаётидаги иштироки инобатга олинади. Давлат томонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун жамиятдаги тўсиқларни бартараф этиш тадбирлари амалга оширилади. Тиббий моделда шахснинг касаллигидан келиб чиқиб, унинг меҳнат қила олиши даражасига мувофиқ ногиронлик белгиланади. Ногиронлик собиқ иттифоқ даврида (43 йил илгари) ишлаб чиқилган меъёрлар асосида тайинлаб келинган. Президентимизнинг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини” “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонидида жорий йил 1 апрелга қадар ногиронлиқни белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш ва киритиш вазифаси белгиланган. Зотан, ижтимоий моделга ўтиш бўйича тавсиялар Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда белгиланган. Мазкур концепциянинг қабул қилиниши натижасида ногиронлиқни белгилашда халқаро классификацияга асосан ахборот технологиялари жорий этилади (касалликлар шифрланади), ногиронлиги бўлган шахслар учун зарур шароитлар яратилади (пандуслар, кўтарма лифтлар, сурдатаржималар, товушли ва визуал сигнализациялар ва бошқалар) ҳамда уларни реабилитация қилиш бўйича шахсий дастурлар ишлаб чиқилади. Айни пайтда Ўзбекистон Республикасида ногиронлиқни белгилашнинг ижтимоий моделига ўтиш бўйича Президентимизнинг “Кесалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилмаётган тиббий-ижтимоий хизматларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Унда Ногиронлиқ белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш концепцияси тасдиқланмоқда. Концепция икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда 2023–2025 йилларда касалликларнинг халқаро классификацияси кодлари бўйича электрон база яратилади. Соҳа ходимлари тайёрланади, ижтимоий объектлар инвентаризациядан ўтказилади. Иккинчи босқичда 2025–2027 йилларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг эркин ҳаракатланиши учун 2030 йилгача тегишли шароит яратишга қаратилган давлат дастури ишлаб чиқилади. Дастлаб ТИЭК тизимида ижтимоий модель 2026 йил 1 январдан бошлаб Сирдарё вилоятида ҳамда 2027 йил 1 январдан республиканинг барча ҳудудидида жорий этилади. 2023–2027 йилларда Ўзбекистон Республикасида ногиронлиқни белгилашнинг ижтимоий моделига ўтиш бўйича концепцияси лойиҳаси ва уни амалга оширишга доир чора-тадбирлар режаси БМТнинг Тараққиёт дастури, Жаҳон банки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНИСЕФнинг тегишли мутахассислари иштирокида бир неча маротаба муҳокама этилиб, улар томонидан тақдим этилган тавсиялар ҳам инобатга олинган. Ушбу концепция фуқароларни тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказишни такомиллаштириш, ногиронлиқни ижтимоий модель орқали белгилашнинг амалиётга босқичма-босқич жорий этиш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш соҳасидаги вазифаларни белгилайди. Концепцияни амалга ошириш натижасида қатор мақсадларга эришилади. Жумладан, қонунчилик янада такомиллаштирилади. Мавжуд ҳуқуқий бўшлиқ ва зиддиятлар бартараф этилади. Миллий хусусиятлар ва шароитлар эътиборга олинган ҳолда халқаро стандартлар ва илгор хорижий тажриба татбиқ этилади. Жамиятда ногиронлиқни белгилашнинг адолат принципи, тиббий-ижтимоий экспертиза фаолиятининг шаффофлиги ва ошқоралиги таъминланади. Соҳада жамоатчилик билан узвий ҳамкорлик мустаҳкамланади. Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг тегишли ахборотни олиш, жамоат транспорти, ижтимоий ва бошқа инфратузилма объектларидан эркин фойдаланиши учун босқичма-босқич қўлай шароит яратилади. Инклюзив таълим (мактабгача, мактабдан ташқари, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал, олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим) олиш имконияти таъминланади.



нинг иштирокисиз белгиланмоқда. Натижада йилига 20 минг фуқаро (25 фоиз) тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясига бормайди ва уларга ногиронлик сирдан белгиланади. Ногиронлиқни белгилашда даволаш муассасаларидан касаллик тарихи кўчирмалари электрон қабул қилинади ҳамда ушбу маълумотлар асосида фуқароларнинг иштирокисиз ногиронлик белгиланади. Ногиронлиги бўлган шахсга тааллуқли, шунингдек, даволовчи ҳамда тиббий хулоса берган шифокорлар тўғрисидаги маълумотлар ахборот тизимида қайд этилмоқда. Ногиронлик белгиланган шахсларга пенсия ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш учун электрон маълумотлар “Пенсия” ҳамда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимларида автоматик тарзда юборилади.



XX асрнинг турли давларида ҳукм сурган сиёсий-ижтимоий вазиятларга қарамай, Қодирий насрда қолдирган из у ёки бу кўринишда яшаб келди. Хатто Қодирийнинг ўзи қатл этилиб, асарлари ман қилинган замонларда ҳам унинг мероси аёнча сифатида қадрланди.

Ўзбек ва умумтуркий адабиётда шу чоққача ёзилган ўнлаб романлар номи-ни санаш мумкинки, уларнинг қатлари-да, айниқса, лирик тасвирлар бобида Қодирийнинг "Ўткан кунлар" ва "Меҳ-робдан чаён" романларидан ижодий таъсирлар изини кўриш мумкин. Ал-батта, бу тақлид эмас, балки аёнчани давом эттириш, унга эргashi, ундан ижодий ўзлаштиришдир. Ёки тарихий роман жанридаги аёнчани олайлик. Бу йўналиш ибтидоисидан Қодирий асарлари билан боғлиқ. Ойбек, Мирка-рим Осим, Одил Ёкубов, Пиримқул Қо-диров, Мухаммад Али, Асад Дилмурод каби ёзувчиларимизнинг тарихий мав-зудаги изланишларида Қодирийнинг ҳар икки йirik романи тажрибаси кўл келган, деб бемалол айтиш мумкин.

"Ўткан кунлар"дан тахминан ўн йил-лар кейин ёзилган "Кеча ва кундуз", ўтган асрнинг турли чоғларида битилган "Са-роб", "Навоий", "Муқаддас", "Уч илдиз", "Икки эшик ораси", "Севгим, севгим" каби қатор асарларда Қодирий романла-ри таъсиридан кўз юмиб бўлмайдик. Шу маънода, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳо-шимов, Тоҳир Малик, Хайриддин Султо-нов, Исажон Султон каби турли авлодда мансуб ёзувчиларнинг ижодида айнан Қодирий аёнчаларининг ҳаётбахш да-вомини кўриш мумкин. Ўлмас Умарбеков асарларининг қаҳрамонлари ёркинлиги, хушрўй бичимга эгаллиги, бошқалардан ҳар жиҳатдан ажралиб туриши, ёркин бўёқларда чизилган портретларининг эса қолиши, Ўткир Ҳошимов асарлари фабуласининг қизиқарлилиги, зиддият-ларга бойлиги, қаҳрамонлари ҳаётининг қутилмаганда кескин бурилиб, ўрни кел-ганда, фожиаларга эврилиб кетиши, Хай-риддин Султонов услубининг майинлиги, қаҳрамонлари характерининг миллий руҳ билан сугорилгани, улар дунёқарашидagi ўзбекона залвар, Исажон Султон асарла-ридаги миллий колорит ва бошқалар Қо-дирий аёнчаларининг ҳали-ҳамон яшаб келаётганини исбот қилади. Ёки Тоҳир Малик асарларида улуг ёзувчи аёнчала-ри янада изчил, янада кучли бир тарзда давом этганининг гувоҳи бўламиз.

Хайриддин Султоновнинг "Раъно гули-нинг суви" номли ҳикоясида нафақат ушбу ёзувчининг, айни пайтда, умуман, ўзбек ижодкорларининг Қодирийга, унинг сий-моси ва асарлирга бўлган азим муха-батини ёркин бўёқларда ўқи, қис қилиш мумкин. Ҳикоянинг номи ҳам тағмаёноли. Маъноки, ҳақиқий ижод мана шу сув — Раъно гулининг суви ила битилмоғи керак деган. Раъно — Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" романи бош қаҳрамонларидан бири. Демак, ҳикоя номининг ўзидаёқ Қодирий қаҳрамонларига эътибор бор.

Қодирий ва истиқлол даври ўзбек насри. Бугун ўзбек насри янгилиниб бор-моқда. Кимдир бу янгиликни 90-йиллар-дан, масалан, Назар Эшонкул сингари ёзувчиларнинг ҳаракатларида эътибо-ран юз берди деса, кимдир сал аввалроқ-дан, масалан, 80-йиллардан, хусусан, Олим Отахонов, Хуришд Дўстмуҳаммад ҳикояларидаги ўзгаришлардан ибтидо олган дейди. Аслида, даврани ҳеч икки-ланмай кенгроқ олавериш керак. Юқори-да номлари саналган ва яна (2000-йил-ларда) Нуриллох Мухаммад Рауфхон, Раҳимжон Раҳмат, Исажон Султон, Аб-дуқайом Йўлдош, Саломат Вафо, Собир Унар, Лукмон Бўрихон, Қўчқор Норқо-бил, булардан каттароқ авлод Аҳмад Аъзам, Мурод Мухаммад Дўст, Эркин Аъзам, Хайриддин Султонов каби ёзув-чилар ижодидаги жиддий ҳикоялар ўз-бек насридаги чинакам янгилашнинг кейинги тўқтинларидир. Биринчи тўқтин, шубҳасиз, Қодирий ва Чўлпоннинг ижоди

билан боғлиқ. Гарчи ҳар икки улуг ёзув-чининг йўллари бир-биридан жиддий фарқ қилса-да, уларнинг айрим ижодий экспериментлари борки, моҳият-эъти-бори билан бугун замонавий ўзбек нас-рида кечаётган улкан эврилишларнинг дебчаси бўлиб кўринади. Масалан, Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романидаги психологизмлар, Қодирийнинг "Жинлар базми" ҳикоясидаги ғайриоддий тасвир ва ҳоказо...

Одатда, аёнча ва унинг шоғирдлар, келгуси авлодлар томонидан давом этти-рилиши ҳақида сўз юритилганда, дастав-вал, устоз ва шоғирд ўртасида кўзга "ма-наман" деб ташланиб турган аналогиялар қидирилади. Шундай атрибутлар топила-са, икки ижод ўртасидаги муштараклик бора-сида сўз юритилади. Топилмаса, қиёса кўл урилмайди. Лекин моҳият ичкарида, кўзга кўринмас теранликларда яшаса-чи?... Чунончи, замонавий ўзбек насрини кузатганимизда, Қодирий аёнчалари бугуннинг пешқадам носирлари ижодида турфа кўринишларда давом этаётганига гувоҳ бўламиз. Масалан, таникли ёзувчи Собир Унар фикрларини олайлик. У Қо-дирийдек ижодкордан, аввало, эътиқод бобида кўп нарса ўрганиш мумкинлигини, истеъдод шундан кейин келишини таъкид-лайдики, ёзувчининг ўз ҳаёти ва ижодида назар ташлаб, айтилган мулоҳазалар ба-ғоят жўяли эканини англашсан, киши. Чу-нончи, унинг насрий асарлари, публици-стик мақолалари таҳлилдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Собир Унар чиндан-да ҳалоллик, адолат ва тўғрилиқни эътиқод даражасида қуйлашга мойил адиб. Зеро, ҳар қандай тадиқотчи ўрганилаётган ма-саланнинг ўзига яқин, таниш ва қадрили бўл-ган жиҳатига аҳамият беради. Унинг А.Қо-дирий ҳақидаги мақоласининг номи ҳам "Қодирий эътиқоди" деб номланади. "Биз тенги ёзувчилар энди ёшимиз, дейишга сира ҳаққимиз йўқ. "Ўткан кунлар" ёзил-ганида муаллиф неча ёшда эди?... Кейин-чалик замон ўзгарди. "Ошқоралик" деган кунлари ҳам кўрди. Мафқуранча тиз-гини бир оз бўш қўйилган кунлар эди. Им-перия қайтиб бу тизгинни қўлига олол-мади. Шу тарққа асос-ядроси мафқурага қўрилган шўро тузуми чоқ-чоқидан сути-либ кетди.

Шу вақтда диннинг, хусусан, ислом-нинг ўзи нима эди деган қизиқш тобора кучайди. Эътиқод эркинлигининг нима эканини билди.

Отабекнинг ва демакки, Қодирийнинг



ҳам эътиқоди, даставвал, бек Кумуш ўли олдидaги зилол ариқдан таҳорат олани кўл чўзгани ва шу ҳолда илк бор Кумушбидига кўзи тушгани эсингизда-ми? Кейинчалик отаси Юсуфбек ҳожи-нинг эътиқодий маслалалардан таш-қари "Далойид" ўқиб ўтирган ҳолатида эътибор қилганмисиз? Қодирий ҳожиё хос барча фазилатлар билан юрт оғаси вазифасидаги инсон тасвирида озрула-ри, алам-армонлари беллиларини бир неча шахсларга синдириши учун, авва-ло, ўзи шу даражада илмон-эътиқод эга-си бўлгани аён бўлмайдими?

Истеъдод, унинг кучи эса бундан кей-инги масала".

Кўринадики, замондош ёзувчи С.Унар буюқ Қодирий ижод йўлини кузатиб ту-риб, аввало, эътиқод, сўнг истеъдод дег-ган хулосага келади.



Хуришд Дўстмуҳаммад бугунги кун ўз-бек насрининг пешқадам вақилларидан. Унинг ўтган асрининг 80-йилларида бит-ган ўша машхур "Жажман" ҳикоясидан тортиб, то кейинроқ яратилган "Қичқирқи" ҳикоясигача, ҳамма-ҳаммасида янгича ёзишга интилиш элементларини аниқ кўриш мумкин. Бу интилиш, асосан, во-қелиқни рамзий идрок этишда кўринади. Ёзувчининг ўзи ҳам А.Қодирий адабий мероси ҳақида гап кетганда, "қодириёна тимсол-рамз" га ургу беради: "Жонсиз бир хабар ва кўрқинч бир кеч" фаслида кульминация аж пардасига етади. Унда Отабек бирор-бир янгилик эшитиш мақ-садида қутидорнинг уйдан чиққан икки беовна кишининг изидан тушади ва ит-тифоқо, Кумушбидининг эрга берилётган-дир, ҳатто тўй-қуни белгилангандан хабар толади. Бу совуқ хабар Отабек-нинг баданидан жонини сугуриб олади



гўё, унинг ҳуши бошидан учади, эсанқи-райди, мошинавори қадам ташлайди, ўзини қаёққа уришни билмай, Марғилон кўчаларида тентакларча ююра бош-лайди. Унинг бу ҳолига қараш юракларни ёради ва бу сафар, ҳақиқатан, тасвириё қалам кучи ожиз қолади. Қалам кучи ожиз қолган дақиқаларда адбимиз... қаламни ўз ҳолига қўяди — қоронгу кузнинг қоронгу бир тундида Отабек "Хўжа Маъоз" кабристонига қиради. Тасвир тўласица қодириёна тимсол-рамз измиёа ўтади".

Х.Дўстмуҳаммад А.Қодирий ўз асар-ларида кўпроқ мураккаб руҳий ҳолат-ларни маҳорат билан тасвирлай олган-нига ҳам эътибор беради ва улуг адиб ижодини "Мақтаб ичидаги мактаб" деб атайди: "А.Қодирий романчилик мак-табини яратгани аллақачон халқаро миқёсда эътироф этилган, бироқ ушбу

"мақтаб"да қаҳрамон руҳий ҳолатининг энг оғир, қалпсиз ва таҳлиқали лаҳза-ларини тасвирлаш маҳорати алоҳида мавқеа эгаллаб, алоҳида мактаб ичида-ги мактаб эканлиги етарлича ва яхлит ҳолда баҳосини олмагаан, назаримда".

Ёзувчи Н.Мухаммад Рауфхон энди ёзаётган асарига А.Қодирийни устоз этиб танлаганини ёзадики, бу эътироф улуг адиб романларининг ўз ижодида бўлган мислсиз таъсирини кўрсатади: "...юра-гимнинг қават-қават энг ичкарисиди Абдулла Қодирий сирли мени ўзига тор-тиб, ҳумор этиб келган. Абдулла Қоди-рийни соғинч туйғуси, айниқса, кейинги йилларда жуда кучайди, турсам ҳам, юрсам ҳам ҳеч тинчлик бермай қўйди. Олдиндан ногора қоқиш бўлиб туюлма-син-у, яшириб нима қиламан, айтишим-га тўғри келиб қолди: ҳозир ёзишга ки-ришганим, яхши нарса чиқишидан умид қилиб турганим янги асаримга Бош ҳакам ва Бош устоз этиб Абдулла Қо-дирийни танлаганман. Бугун бир қам олтишга кирган инсон йиғирма тўрт-йиғирма саккиз яшар йиғитчага шоғирд тушмоқчиман. Ўзоқлашган саримиз орқамизда тобора ўсиб бораётган у мушташам қояга ўзимда журъят сезиб, турмашигим келиб турибди. Няятимни нечоғлиқ эплаганам, шоғирдликка нечоғ-лиқ яраганим, насиб этса, асар битга-нидан кейин биллинади. Чин баҳосини ҳам муҳтарам ўқувчиларим беради".

Ёзувчи Р.Раҳматнинг "Адашвой" деган ғаройиб ҳикояси А.Қодирийнинг "Жинлар базми" ҳикоясига сюжет қурилиши ва сирли моҳиятга эгаллиги билан гўё аёнча ва унинг давом эттирилишига ўхшади. Дун-ёқараш, давр, усул, услуб ва йўналиш жи-ҳатидан бир-бирдан чуноман фарқланиб турадиган бу икки адибнинг ҳикояларида-ги уйкашлик қизиқ ҳодиса. Ҳар икки ҳикоя сирли, ғаройиб воқеа асосига қурилган, ҳар икки асар қаҳрамони ҳам умумини

тушиб кетган бўлади. Қодирийнинг "Жин-лар базми"да эса, назаримда, хол бир оз ўзгачароқ. Чунки бу ерда ҳикоя қаҳрамони ўрим ишини яқунлаб, шом тушган маҳал уйига қайтаётиб, Ҳамдам ҳумдон уйи ол-дида тўсатдан жинлар базмига иштирок қилиб қолган ўз отаси ҳикоясини оқизмай-томизмай ўқувчига сўзлаб бераркан, бу билан, аввало, ана шундай ғайритабиий оламлар борлигига ишора қилади гўё. Таъкидланганидек, Қодирий ҳикоясида ўт-ган аср аввалидаги одамлар кайфияти ва қизиқш эҳтиёжларига жавоб бера олади-ган мазмун, ўзгача оламнинг мавжудлиги ҳақидаги мазмун яширин. Шу мазмуннинг ўзи — мақсад. Аҳмад Аъзам ва Раҳимжон Раҳмат асарларида эса ўзгача олам — во-сити. Бу восита орқали улар реал ҳаётга янгитдан нигоҳ ташлашни истади. Лекин нима бўлганда ҳам ҳозирги насримиздаги ана шу тамойилнинг дастлабки куртка-лари Қодирий ижодида ниш урганлигининг ўзиёқ аёнча ҳақида гапиришга асос бера-ди. Хатто кўриб ўтганимиздек, ёзувчилар ижоди, дунёқараш ва услублари тамойи-ла бир-бирдан фарқланиб турса ҳам.

Ёзувчи Абдуқайом Йўлдош бошловчи ёзувчилар орасида Қодирийга тақлид-чилар "сон мингта" эканидан сўз очиб, лекин, барибир, тақлиднинг бейфойда-лигини тўғри таъкидлади, ижодий таъ-сирланиш борасида фикр юритади ва назаримда, масала моҳиятига яқин ке-лади. Чунки замонавий ўзбек насрида биронта ёзувчи йўқки, ёзган асарлари тўла-тўқис Қодирий асарлари руҳида битилмаган бўлса! Юқорида таъкидлан-ганидек, бугун давр тамойила бошқа ва у ўз асарларини дунёга келтирмоқда. Қодирийдек улкан ижодкорларнинг ба-дий маҳорати, портрет яратиш санъати, психологизм, пейзаж тасвири каби қатор масалалардаги мактаби ҳали-ҳануз қони фойда, лекин унинг қараш билан дунё-ни бадий-эстетик идрок этишга уриниш ёш ижодкорни маъвэ этиши муқаррар. Шунинг учун ҳам А.Йўлдош "Бошловчи ёзувчиларнинг аксарияти қатори Қо-дирийга эргашиш, унингдек таъсирчан ёзишга уриниш менинг ҳам бошимдан ўтган. Шуқри, тақлидчилар сон ми-нута, аммо Қодирий барибир ягона. Ўзим ҳам орадан маълум фурсат ўтган, бу ҳаракатим бенафлигини англадим", деб ёзади ва мен унинг икорларини гоёат асосли деб биламан. Агар насрда Қодирийнинг йўналиши ягона бўлганда эди, замондош Чўлпон "Кеча ва кун-дуз"дек романини ёзиб, бу соҳада ҳам яна ўзга йўллар борлигини исбот қилмаган, қилолмаган бўларди.

Исажон Султоннинг "Онаизорим" қис-сасининг мазмун-моҳияти ҳам Қодирий романлари сюжетини сира ёдга солмай-ди. Аммо бу ерда бошқа бир муштарак-лик бор: у ҳам бўлса, ижодкорлар нуқ-та назаридаги янгилик. Яъни Қодирий Ўзбек ойим, Офтоб ойим каби образлар асосида ўзбек насрида ана образини яратишни бошлаб бердигина эмас, айни пайтда миллатга хос қўпгина қирраларни ана шу образлар бағрига жойлади ҳам. Қодирий яратган оналар образининг ўз-бек адабиётининг кейинги тараққиётига таъсири борасида фикр юритган профес-сор Умарали Норматов "Қодирий мўъжи-заси" номли фундаментал тадиқоти-да: "Фармонбиди образи (С.Аҳмадининг "Келинлар қўзғалони" комедиясининг бош қаҳрамони — У. Ҳ.) асл моҳияти-ни Ҳожини ана тилидаги тимсоллар эмас, айни Ўзбек ойим, Холнисо, Ҳамробуви, Бўстонбиди силсиласи орқали англаш, очиш мумкин", деб ёзадики, биргина шу мулоҳаза асосида катта бир тадиқот яратса бўлади. Исажоннинг қиссасини ўқиб ҳам "Ўзбек аёли ким ва қандай?" деган саволга асосли жавоб олиш мумкин. Мазкур асар шу жиҳатдан улуг адиб аён-чаларини давом эттиради. Қисса ўзбек оилаларидаги ҳамма оналарга ўхшаган сирли онанинг қисмати ҳақида. Гап шун-даки, ёзувчи асарда ўзбек оналарнинг маълум маънодаги умумлашма образи яратса бўлади. Оддий бир қизчагинг бутун бошли ҳаёт йўли акс эттирилган асарда. Яъни бош қаҳрамон Раънонинг (эътибор беринг: нега бош қаҳрамоннинг исми Раъно? Бу номнинг танланишида, эҳтимол, Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" романи қаҳрамони Раънога бўлган халқ мухаббатининг ҳам қандайдир роли бор-

дир. Ахир Исажон оддий ўзбек аёлининг тимсолсини яратмоқчи бўлган ва шу ўрин-да кўпчилиқнинг симпатиясини ҳисобга олиб иш тутган) бешиқдан қабрга қадар давом этган умри мобайнида бошидан кечирганлари қиссанинг сюжетини таши-қил этган. Унинг ота-онаси, сўнгра эри, ундан кейин эса болаларнинг образла-ри иккинчи даражали қаҳрамонлар си-фатида талқин қилинган. Уларнинг бари дастлаб қизча, кейин она, асар яқуний қисмида эса кампирга айланган қаҳра-мон образининг тўлақонли очилишига хизмат қилдирилган.

Ўзбек адабиётда она кўп ишлан-ган образлардан ҳисобланади. Лекин Исажон Султон асаридagi она образи мавжудлардан кўп жиҳати билан фарқ қилади. Аввало, асарнинг борлиқ компо-нентлари: деталлар, қаҳрамонлар, асар сюжети, бадий услублар — ҳамма-хам-маси бошдан-оёқ шу образ талқини ат-рофида жипшалади. Қолаверса, ёзув-чи она образини қизиқарли ва таъсири сюжет орқали гавдалантиришни мақсад қилмайди, аксинча, асар воқеалари ёд-ларга михланиб қоладиган даражада ёрқин эмас, қиссада аксарият шарқлик оналарнинг бошидан ўтадиган турмуш тарзи тасвири бор. Лекин бу ерда бошқа нарсас ҳам бор — нуқтаи назар, ровийнинг нуқтаи назари. Таъбир жоиз эса, бутун бошли асар мазмун-моҳияти ёзувчининг она сиймосига қаратилган мухаббатига йўғрилган нуқтаи назари воситасида очил-ладики, бу жиҳати билан қисса, масалан, Ўткир Ҳошимовнинг "Дунёнинг ишлари" қиссасидан фарқланиб туради. "Дунё-нинг ишлари"да ҳам она образи марказий қаҳрамон. Лекин ўғил у ерда она обра-зидан ҳам роль ўйнамайди. Ўқувчининг эътибори нафақат онага, балки ўғилнинг ҳаёт тарзига, онаси ҳақидаги ташвиш ва изтиробларига, армонларига сочлади. "Онаизорим"да эса диққат-эътибор, асо-сан, Раънога, яъни онага қаратилади.

Асарнинг яна бир эътиборли жиҳа-ти — унда ўзбекона маросимлардаги турли-туман урф-одатлар (асосан, фар-ғонча) анча батафсил тасвир этилган. Урф-одатларнинг бир ўзбек қизининг ту-ғилишидан то қаригунича бўлган муддат давомида унга соядек ҳамроҳ бўлиши бадий далилланган. Шу нуқтаи назар-дан, асарга хоржида ҳам катта қизиқиш уйғониши табиий. Бунинг ёркин мисоли — Қодирий романлари, уларда акс эт-ган миллий колорит, урф-одат, мента-литет. "Онаизорим" ҳам худди Қодирий романлари каби завқ билан ўқилади. Бош сабаби — мавзу ва танланган ус-лубда, деб ўйлайман. Чунки бу ерда мо-дернистик бошқотирмалар, услубий ва шаклий новаторлик қилишга атай ури-нишлар йўқ, ҳисоби. Лекин бу, асар жўн қиқибди, дегани эмас, асло. Аслида, энг катта бадий-эстетик дурдоналар қадим-қадимдан бери содда ва раvon ус-лубда битилганини ёддан чиқармайлик. Чунончи, Қодирийнинг ўзи ҳам роман ёзишда халқ даражасини ҳисобга олиб, мезёрни сақлаганини таъкидлайдики, бу ерда ҳам шунга ўхшаб йўл тутилган-нинг гувоҳи бўламиз.

Кўринадики, А.Қодирий насри, хусу-сан, романлари XX асрнинг илк чорагидан то бугунга қадр миллий адабиётимиз, миллатиязининг маънавий-руҳий ҳаётига сингиб кетгани инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир. Ижодкор эса ким, дунёқара-шию услуби қандай бўлишидан қатъи назар, шу халқнинг бир вакили. Бас, шун-дай экан, А.Қодирийнинг ижодкор-зиёли, демакки, халқимизнинг улугларидан бири сифатидаги таъсирдан ташқарида қо-лмайди.